



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 9 » ИЮНЬ

ПФ–109 -son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **иловага** мувофиқ қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–2240-сон Фармонида:

(а) 1-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визада кўрсатилган муддат билан турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади”;

(б) 2-иловада:

(i) 3-банднинг ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида”;

(ii) 9-банддаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4262-сон Фармонида:

(а) 1-иловада:

(i) 2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшовчи фуқароси – Ўзбекистон Республикасидаги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги бекор қилинган ҳамда хорижга доимий яшаш учун чиқиб кетишга доир рухсатнома расмийлаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси”;

(ii) 22-банднинг бешинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган ёхуд вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олинган” сўзлари “яшаш жойи ёхуд турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 28-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “доимий яшаш ва вақтинча турган жойи” сўзлари “яшаш ва турган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) 2-илованинг матнидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 2-иловада:

(i) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “доимий яшаш ёки бўлиш” сўзлари “яшаш ёки турган” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 12 ва 19-бандлардаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олингандан” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилгандан” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 10-банднинг учинчи хатбошисидаги “вақтинча яшаётган” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5285-сон Фармонининг 14-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5343-сон Фармонининг 6-банди иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5388-сон Фармонининг 18-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5629-сон Фармонининг 14-бандидаги “вақтинчалик яшаш жойи бўйича пропискага қўйиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5719-сон Фармонининг 19-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 майдаги “Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5722-сон Фармонининг 5-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 сентябрдаги “Чироқчи” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5825-сон Фармонининг 12-бандидаги “яшаш жойи бўйича ҳисобга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5848-сон Фармони 10-бандининг “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5984-сон Фармонида:

 - (а)** 1 ва 2-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
 - (б)** 3-бандда:

 - (i)** “а” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
 - (ii)** “в” кичик банддаги “доимий” ва “вақтинча” сўзлари чиқариб ташлансин.
- 13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6065-сон Фармонида:

 - (а)** 2-банднинг учинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (б)** 1-илованинг 25-банди тўртинчи хатбошисидаги “сўнги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидаги ёхуд вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олинган” сўзлари “сўнги яшаш жойи ёхуд турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган жойидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-иловада:

- (i)** 1-банддаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган (кейинги ўринларда – доимий рўйхатга олинган)” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (ii)** 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “доимий рўйхатга олинганлигини” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (iii)** 3-банднинг биринчи хатбошиси, 4 ва 7-бандлар, 10-банднинг иккинчи, ўн биринчи – ўн иккинчи хатбошилари, 11, 12-бандлар, 13-банднинг биринчи, учинчи хатбошилари, 18-банд, 22-банднинг биринчи, ўн учинчи хатбошилари, 25-банд, 29–31, 33-бандлардаги “доимий рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (iv)** 22-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошларидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;
- (v)** 24-банддаги “доимий рўйхатга олинганлигини” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vi) иловада:

“1-босқич” позицияси “Субъектлар” устуни биринчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари ва “Тадбирлар” устуни учинчи хатбошисидаги “доимий рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

“2-босқич” позицияси “Тадбирлар” устуни биринчи хатбошисидаги, “3-босқич” позицияси “Тадбирлар” устуни биринчи хатбошисидаги, “4-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги, 5-босқич позицияси “Субъектлар” устунидаги, “6-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармонининг 10-банди бешинчи хатбошисидаги “рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи” сўзлари “яшаш ёки турган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартдаги ПФ–6185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомда:
- (а)** 2-банднинг “а” кичик бандидаги “доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги” сўзлари “яшаш ёки турган жойидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (б)** 16-банднинг ўн учинчи хатбошисидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;
- (в)** 26-банднинг иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (г)** 27-бандда:
- (i)** олтинчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (ii)** тўққизинчи хатбошидаги “Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлик ҳолати” сўзлари “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлик ҳолати” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (iii)** ўнинчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (iv)** ўн иккинчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(д) 28-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Башарти ота-онаси (ёлғиз ота ёки онаси) билан бирга Ўзбекистон Республикасига кириб келган бола яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган бўлса, ота ёки онасининг рўйхатдан ўтказилган жойи унинг рўйхатга олинган жойи ҳисобланади”;

(ж) 29-бандда:

(i) “а” кичик банд “ўн беш йил давомида доимий” сўзларидан кейин “равишда” сўзи билан тўлдирилсин;

(ii) “б” кичик банддаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

(з) 41-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

(ii) ўнинчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(и) 2-иловада:

(i) 12-позициядаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 18-позициядаги “Доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда туриб яшаган манзиллари” сўзлари “Яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатда туриб яшаган манзиллари” сўзлари билан алмаштирилсин;

(к) 3-иловада:

(i) 12-позициядаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” ва “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари тегишинча “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” ва “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 18-позициясидаги “Доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари “Яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари билан алмаштирилсин;

(л) 5-иловада:

(i) 12-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ўзбекистон Республикасида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган сана. (Агар ота-онаси билан биргалиқда кўчиб келган бўлса, улар қачон яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги кўрсатилсин)”;

(ii) 18-позициядаги “Доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари “Яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 7-илованинг 14-позициясидаги “Доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари “Яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатда туриб” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6191-сон Фармонида 1-илованинг “Маълумот ва ҳужжатлар номи” устуни 5-позициясидаги “доимий” ва “вақтинча” сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармонида 4-илованинг 20-бандидаги “Доимий” сўзи чиқариб ташлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ–101-сон Фармони 3-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “доимий рўйхатдан ўтиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–198-сон Фармони 1-бандининг “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “доимий рўйхатдан чиқариш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини қуроллантириш ва мудофаа саноати соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–16-сон Фармонининг 5-банди “в” кичик бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–24-сон Фармонининг 11-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармони 2-бандининг “в” кичик бандидан “доимий” ва “вақтинча ” сўзлари чиқариб ташлансин.
- 23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–79-сон Фармони 7-бандининг “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш манзилидаги” сўзлари “яшаш жойи манзилидаги” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 24.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–82-сон Фармонида 4-илованинг 63-бандидаги “доимий” сўзи “муайян” сўзи билан алмаштирилсин.
- 25.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ–80-сон Фармонида 2-илованинг “II. Композит шаклга ўтказиладиган давлат хизматлари” бўлими 1-позициядаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 26.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–81-сон Фармони 3-бандининг “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “(доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган)” сўзлари “(яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган)” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 27.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармонида 2-илованинг “Маъмурий маълумотлар рўйхати” устунининг 16-позициясидаги “доимий яшаш манзили” сўзлари “яшаш жойи манзили” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 28.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 августдаги “Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда иш берувчиларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–126-сон Фармони 8-бандининг “в” кичик бандидаги “доимий яшаш жойидан” сўзлари “яшаш манзилидан” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 29.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–157-сон Фармонида:

(а) 1-иловада:

(i) “Маълумот ва ҳужжатлар номи” устуни 3-позициясидаги “доимий ва вақтинча рўйхатга олинганлар” сўзлари “яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “Маълумот ва ҳужжатлар номи” устуни 4-позициясидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 2-илованинг “Шахсга доир маълумот номи” устуни 7-позициясидаги “Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи тўғрисида” сўзлари “Яшаш жойи ва турган жойи тўғрисида” сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги ПФ–173-сон Фармонида 3-илованинг “Шахсга ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотлар таснифи” устуни 2-позициясидаги “доимий яшаш ва вақтинча турган жойи тўғрисида” сўзлари “яшаш жойи ва турган жойи тўғрисида” сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 февралдаги “М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–290-сон қарорининг 11-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 октябрдаги “Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида”ги ПҚ–498-сон қарорининг 11-бандидаги “яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни” сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 январдаги “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–551-сон қарорининг 9-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 34.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–567-сон қарорининг 16-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 35.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги “Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ–691-сон қарорининг 12-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 36.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ–694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида 37-банднинг олтинчи хатбошисидаги “пропиской военнослужащих и членов их семей по месту временного или постоянного проживания” сўзлари “регистрацией военнослужащих и членов их семей по месту жительства или месту пребывания” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 37.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 февралдаги “Сургил конини комплекс ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–797-сон қарорининг 13-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 38.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 31 мартдаги “Корея миллий нефть компанияси билан Ўзбекистон Республикасининг Фарғона минтақаси ҳудудидаги Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини ўтказиш битимини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–1085-сон қарорининг рус тилидаги матнида 10-банддаги “временную прописку и ее продление по месту жительства” сўзлари “регистрацию и продление срока регистрации по месту пребывания” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 39.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсокин тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1849-сон қарорининг рус тилидаги матнида 12-банддаги “временную прописку и продление временной прописки по месту временного проживания” сўзлари “регистрацию и продление срока регистрации по месту пребывания” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 40.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 июлдаги “Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1993-сон қарорининг 6-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 41.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2155-сон қарорининг 13-бандидаги “яшаш жойи бўйича вақтинчалик” сўзлари “турган жойи бўйича” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 42.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги “Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида”ги ПҚ–2237-сон қарорининг 10-бандидаги “яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 43.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2602-сон қарорининг 14-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 44.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 сентябрдаги “Сечанкўл, Оқжар ва Чимбой инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, шунингдек, Урга, Оқчалак ва Чандир гуруҳи конларини қазиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2607-сон қарорининг рус тилидаги матнида 14-банддаги “временную прописку и ее продление по месту жительства” сўзлари “регистрацию и ее продление срока регистрации по месту пребывания” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 45.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2856-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 46.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги “Тошкент металлургия заводини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2874-сон қарорининг рус тилидаги матнида 19-банддаги “временную прописку и ее продление по месту временного проживания” сўзлари “регистрацию и продление срока регистрации по месту пребывания” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 47.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида низомнинг 16-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
- “Профилактика (катта) инспекторлари ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгардир”.
- 48.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2939-сон қарорининг 20-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 49.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3025-сон қарорининг 12-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 50.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3057-сон қарорининг 13-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 51.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3080-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 52.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3245-сон қарорининг 11-банддаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 53.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3263-сон қарорининг 15-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 54.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3283-сон қарорининг 11-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 55.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги “Қураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3306-сон қарорининг 9-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 56.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3327-сон қарорининг 13-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 57.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3416-сон қарорининг 5-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 58.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги “Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3384-сон қарорининг 16-банди учинчи хатбошидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 59.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:
- (а) 7-бандда:**
- (i)** биринчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (ii)** ўн учинчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (б) 9-бандда:**
- (i)** биринчи хатбошидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (ii)** учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
- 60.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3457-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 61.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги “Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3472-сон қарорининг 11-бандида:
- (а)** иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- (б)** учинчи – бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
- 62.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–3528-сон қарори 6-бандининг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
- 63.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 февралдаги “Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3557-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтишни” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 64.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3610-сон қарорининг 13-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 65.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 мартдаги “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3643-сон қарорининг 8-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 66.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3646-сон қарорининг 8-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 67.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ–3674-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 68.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги “Чармпойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3693-сон қарори 16-бандининг иккинчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 69.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3857-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 70.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги “Тошкент шаҳрида “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–3875-сон қарорининг 14-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 71.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3894-сон қарорининг 16-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 72.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида “Business city” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3895-сон қарорининг 12-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини” сўзлари билан алмаштирилсин.

- 73.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Мақтабгача ва мактаб таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3931-сон қарорининг 14-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 74.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3937-сон қарорининг 9-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 75.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3989-сон қарори 14-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 76.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4008-сон қарорининг 4-бандидаги “доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 77.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 ноябрдаги “Жиззах вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4009-сон қарорининг 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 78.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4015-сон қарорининг 22-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.

